



Алишер Навоий асарларига тузилган лугатлар орасида XV аср Хиротда яратилган Толеъ Хиравийнинг «Бадоеул-лугат»и алоҳида ўрин тутди. Бу лугат бевосита Султон Хусайн Бойқаро буйруғи билан амалга оширилганлиги ва XV аср эски ўзбек тили хақида ноёб маълумотларни саклаб қолганлиги билан катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Уни ўрганиш бугунги кундаги кўпгина сўзлар ўша давр Хирот ўзбеклари тилида бошқачароқ талаффуз қилинганлигини кўрсатади. Чунончи, тўрт сўзи, Толеъ Хиравийнинг кўрсатишича, Навоий яшаган даврда тўрт шаклида талаффуз қилинган экан, ўтун сўзи ўтун шаклида бўлган. Ҳозирги ўлум, ўрток сўзлари улум, урток шаклида қўлланилган экан. Аскар, қўшин маъносидаги черик сўзи чирик тарзида ифода этилган. Кискаси, «Бадоеул-лугат» маълумотларига қараганда, унда жуда кўп сўзлар шоир асарларининг нашрларида бугун, биз ишлатаётгандан бошқачароқ талаффуз қилинган экан. Ўқувчиларда, хусусан навоийшуносларда савол тугилиши мумкин. Нахотки юқоридаги сўзлар XV асрда бошқача талаффуз қилинган бўлса?

Толеъ Хиравий адашмадимикин? Навоий асарлари, шева материаллари, экспериментал фонетика маълумотлари лугатшунос маълумотларининг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Чунончи, Толеъ Хиравий бугунги ўлим сўзини XV асрда улум бўлганлигини кўрсатади. Шоир асарларидаги кофиялар ҳам буни тўла исботлайди. Навоий улум, улдум, улмак сўзларини ўз асарида фақат таркибида у бўлган сўзлар билан кофия қилади, яъни шоир кофиялар таркибидаги товушларнинг бир-бирига юз фоиз уйғун бўлишига ҳаракат қилган. Масалан, «Лисонут-тайр»да бу сўз уштулум (жавр, жафо) сўзи билан:

Англабон- онсиз тирикликни улум  
Жонга айлаб хажрида юз уштулум.

«Фарход ва Ширин» достонида кутулдум, кулмак сўзлари билан кофия бўлиб келган:

Деди жонпарвар анфосингдин улдум  
Унингдин умр ранжидин кутулдум  
Киши кўргайму мундок турфа улмак  
Улусдин йигламок ўрнига кулмак

Бу хилдаги мисоллар шоир асарларида жуда кўп учрайди. Агар юқоридаги сўзлар XV асрда ўлум, ўлдум, ўлмак шаклида бўлганида эди шоир интилган юз фоиз фонетик уйғунлик, тўлик кофия бузилган бўлур эди. Агар Навоий асарларидаги кофияларга диққат қилинса, шоир бугунги ўтун сўзига жуда кўп жойда фақат таркибида у унлиси бўлган сўзларни кофия қилгани сезилади. Масалан, «Лисонут-тайр» достонининг «Қушларнинг Фано водийсининг ниҳоятдан бако мулкидин нишон топмоглари»

бўлимида бу сўзга бутун сўзини:

Жисм аро бир парлари колмай бутун  
Пора-пора уйлаким кокшол утун.

Ушбу мақолада XV аср орфографиясининг айрим масалалари хусусида тўхталдик.  
Навоий қофияларда юз фоиз товуш уйғунлигига интиланлиги ва бошқалардан ҳам буни талаб қилганлигини Отоийнинг:

Ул санамким сув ёқасинда ларидек ўлтурур  
Гояти нозуқлигининг сув била ютса бўлур  
байтида ўтурур сўзига бўлур қалимасини қофия қилиш айб санаганлигидан ҳам қўриш мумкин.

«Ўзининг шайх руҳи мададининг анга татаббуъ қилгонга қанқус тимсоли» қисмида уни узун, ун сўзларига:

Бешада умри бўлур эрмиш узун  
Умрида шугли онинг йигмок утун,  
Умрида ул доғи жамъ айлаб утун  
Ул иш асносида тортиб қилқан ун

«Бу қитоб назмида ўз муносабатининг тақриби» ва «Хамса» достонларида бу сўзни тутун сўзига қофия қилади:

Хам қурутса-ю они қилса утун  
Ёругай вайронаси бўлмақ тутун.  
Қилқи улус ўртамағига утун  
Ўтқариб ул ўти фалақдин тутун.

Бу мисоллар, шунингдек, Толеъ Хиравий маълумотлари бугунги ўтун сўзини ҳам Навоий даврида утун шаклида бўлганлигини қўрсатади.

Навоий асарларида хусусан «Хамса Достонларида кема сўзи қўп учрайди:

Кемаси лекин ул тараф қетти  
Қи бурун ўғли кемаси етти.  
Тушуб дарё қиби қўнғли аро жуш  
Кема оғзидек оғзи лек қомуш.

Лугат муаллифи бу сўз XV асрда, Хирот ўзбеклари тилида кема шаклида бўлганлигини қўрсатади. Навоий асарларидаги қофия ҳам бу сўзни ҳақиқатан кема шаклида бўлганлигидан далолат беради. Шоир «Садди Искандарийнинг ўттиз учинчи ва «Фарход ва Ширин»нинг йигирма етти, йигирма саккизинчи бобларида уни нима сўзига қофия қилади:

Су узра суруб бениҳоят кема  
Солиб анда бори қерақлик нима.  
Деди: айлаб муруттаб қималарни

Солинг анда кераклик нималарни.  
Дейилган бахр аро хам навъи кима  
Ичинда онча халку онча нима.

Шунингдек, лугат материаллари жой маъносидаги бугунги ўрун сўзи XV асрда урун шаклида бўлганлигини кўрсатади. Сўзнинг бу шакли туфайли Навоий «Хамса» дostonларида ўндан ортик марта уни фақат бурун сўзига кофия қилган:

Нима офаринишда тутмай урун  
Ки тебранмиш ўлгай бу елдин бурун  
Керак топиб ул накб бошин бурун  
Тиқиб чодир ул ерда туткай урун.

Лугатшуноснинг кўрсатишича, бугунги куёв сўзи Навоий даври Хирот диалектида кэйав шаклида талаффуз қилинган. Ушбу сўзнинг фақат шу шаклигинэ уни «Лайли ва Мажнуняннинг ўттизинчи бобида шоирга икав сўзига тўлик кофия имконини берган:

Кўп зийнату зеб этиб икавни  
Гулчехра келин билан кэйавни.

Лугат маълумотлари чўпон сўзи XV асрда шабан бўлганлигини кўрсатади. Навоий товушлар уйғунлигини саклаш учун бу сўзга куйида Дабан (чўл) ва богбон сўзларини кофия қилади:

Куртдек бўри бирла тўлди йабан  
Дема кўй балки туъма бўлди шабан.  
Бўлди раият галаву сен шабан,  
Ул шажари мусмиру сён богбон.

Толеъ Хиравий XV асрда куш, тайр (куш) ва пиёла маъноларини англаган ва куйидаги байтда бу сўзнинг икки маънолигидан фойдаланиб, Навоий ийхом санъати яратганлигини кўрсатади:

Эй, Навоий, демаким жону кўнгулни найладинг  
Икисин қилдим фидо, чун бода нушим тутти куш.

Шу газалдаги бу сўзга кофия бўлган хамуш, хуруш, майфуруш, суруш сўзлари хам хозирги кўш сўзи XV асрда куш бўлганлигини тасдиқлайди. «Хамса»даги кофияларга эътибор берилса, Навоий жуда кўп жойда бу сўзга фақат хуш сўзини кофия қилади:

Ул бодадин ўйла тут манга куш,  
Ким ёдима харгиз ўтмасун хуш.

Толеъ Хиравий бугунги кўй (уй хайвони) сўзи XV асрда куй шаклида ишлатилган деб кўрсатади. «Лайли ва Мажнун» дostonидаги ошнорўй кофияси буни тасдиқлайди:

Олига етишди бир сурук куй,  
Чўпони курунди ошноруй.

Хозирги кўшиқ сўзи ҳам, Толеъ Хиравийнинг хабар беришича, эски ўзбек тилида кушук шаклида талаффуз қилинган. Бу сўзнинг «Бадоеул-васат»нинг коф харфига келтирилган газалда йарук, тавук, йазук, мамуц, сурук, ачук сўзлари билан кофияланиши унинг XV асрда ҳақиқатан ҳам кушук шаклида бўлганини тасдиқлайди. Лугатни синчиклаб ўқиш Навоий асарларининг текстологик тадқиқотларига жиддий тузатиш киритиш кераклигини кўрсатади. Айрим газалларда бир сўз бир неча сўзнинг товуш тузилишига аниклик киритиши мумкин. Масалан, агар кенг сўзининг фонетик тузилиши бизга лугатдан кинг эканлиги маълум бўлса, «Бадоеул-васатидаги куйидаги газалда унга кофиядош бўлиб келган денг, енг (еюк, менг, энг, енг (кўйлак енг), тенг сўзлари ҳам динг, тинг, минг, йинг шаклларида бўлади:

Кўрган эл бедоди хижрондин мени ер бирла тенг  
Кўрсангиз ишк ахлини, мендин ўпуб ер, ишк денг.  
Сарв тенг тутса ўзун каддинг била, ул навъдур  
Ким гиёҳ ўлгай кад ичра сарви раъно бирла тенг.  
Гунча ичра жола лоф урса тишинг бирла не тонг  
Бу адам кунжигга қолиб, ул топибдур ерни кенг.  
Турфадурким, куфр шоми рафъ ўлуб, қилгай тулуб  
Субҳи имон зулфин очиб, ошкор этса ул энг.  
Турфарок буқим, саодат субҳида чикмиш дегай  
Тийра бахтим ахтариқим, кўрса ул энг узра менг.  
Ақл васвоси хароб этмиш мени хужжат била  
Соқий бир айш жоми тут мангау они енг.  
Эй, Навоий енга пинхон этма ул ой руқъасин  
Чун санга улдур хамиша ашқ оритмок бирла енг.

Демак, бир сўз газалнинг ўзида бешта сўзнинг фонетик тузилишига аниклик қилди. Достон ва айрим газаллардаги бир сўз битта сўзнинг фонетик тузилишига аниклик киритиши мумкин. Масалан, бугунги ушатмок сўзининг ўзаги XV асрда ушат бўлган бўлса, куйидаги байтда унга кофиядош бўлган ўрнат сўзи ҳам урнат бўлади:

Демон ул ой ўқин, эй дўст, сувур, йўкса ушат  
Ким қоқиб тошлар ила, зор танимга урнат.

Чунончи куйидаги байтдаги нарса маъносидаги нима сўзи;  
йибордим қошинга муносиб нима бутун тўлгама, номуносиб дема.

Хозирги демок сўзининг буйруқ шакли дима бўлиши кераклигини такозо қилади. Ҳақиқатан ҳам бу сўз XV асрда шу шаклда бўлганлигини Толеъ Хиравий «Бадоеул-лугат»да кўрсатиб ўтган. Демок, сўзини XV асрда демок шаклида бўлганлиги ўз навбатида «Лисонут-тайряда унга кофиядош бўлиб келган эмас, эмиш сўзларини имас, имиш бўлишлигини такозо қилади:  
Одам ўлгон зебу зохири димас Кимки андин фахр этар — одам имас.

Воқеъ ўлмиш кону бу боис имиш  
Ким муни мактул бадхайът димиш.

Навоий «Мухокаматул-лугатайняда бугунги термок сўзи тирмак бўлганлигини кўрсатади. Демак куйидаги китъадаги бермак сўзи ҳам бирмак бўлиши керак:  
Сиймни сочкучи мингдин бирдир Ўзгаларнинг иши келди тирмак. Ул жихатдин будудур одатким Олмок осондуру мушкил бирмак.  
Юкорида келтирилган мисолларда кўринадики, XV аср эски ўзбек тилидаги кўпчилик сўзлар биз тасаввур қилгандан бошқачарок экан.

Эргаш УМАРОВ